

6-12-2019

The problems of mutual household in Uzbekistan and their elimination

U. Xo`jamuratov

Ferghana State University, Ferghana, Murabbiylar 19, fdujournal@fdu.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu>



Part of the [History Commons](#)

Recommended Citation

Xo`jamuratov, U. (2019) "The problems of mutual household in Uzbekistan and their elimination," *Scientific journal of the Fergana State University*. Vol. 2 , Article 9.

DOI: 93/99+347.218.24

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu/vol2/iss2/9>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific journal of the Fergana State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

ТАРИХ

УДК: 93/99+347.218.24

**ЎЗБЕКИСТОНДА ШИРКАТ ХЎЖАЛИКЛАРИДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ
ТУГАТИЛИШИ
ПРОБЛЕМЫ И ЛИКВИДАЦИЯ КООПЕРАТИВНЫХ ХОЗЯЙСТВ В УЗБЕКИСТАНЕ
THE PROBLEMS OF MUTUAL HOUSEHOLD IN UZBEKISTAN AND THEIR ELIMINATION**

У.Хўжамуратов

Аннотация

Мақолада ширкат хўжаликлари фаолияти ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, ширкат хўжаликларидаги муаммолар, уларга санациянинг қўлланилиши, паст рентабелли хўжаликларнинг тугатилиш жараёни ҳақида маълумот берилади.

Аннотация

В статье анализируется деятельность кооперативных хозяйств, функционировавших в аграрном секторе Узбекистана в период независимости. В ней рассматриваются проблемы кооперативных хозяйств, а также вопросы, связанные с применением санации в отношении нерентабельных кооперативных хозяйств и их ликвидацией.

Annotation

In this article the activity of mutual household which functioning in the sector of agriculture of Uzbekistan in the period of Independence are analysed. Also, the problems of mutual households` as well as matters connected with applying sanitation regarding unprofitable mutual household and their elimination are considered.

Таянч сўз ва иборалар: ширкат хўжалиги, ижара пудрати, оила пудрати, санация, фермер хўжалиги.

Ключевые слова и выражения: кооперативное хозяйство, арендный подряд, семейный подряд, санация, фермерское хозяйство.

Keywords and expressions: mutual household, rent land, sanitation, family land, farming.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин аграр соҳада мулкчиликнинг турли шакллари ривожлантиришга этибор қаратилди. 1998 йилга келиб аграр соҳа ривожланишининг фаол институционал ўзгаришлар даври бошланди. Чунки аграр соҳа билан боғлиқ бўлган бир қанча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси (1998 йил 30 апрель), Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида” (1998 йил 30 апрель), Ўзбекистон Республикаси “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” (1998 йил 30 апрель), “Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида” (1998 йил 30 апрель)ги қонунлари қабул қилинди.

Мазкур қонунларда Ўзбекистонда ер эгалигида мавжуд бўлган уч хил мулкчилик шакли бир-бирдан ажратилиб, қонунийлаштирилди. Шулардан қишлоқ хўжалигида энг йирик мулк шакли бўлиб қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) шакли ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилда қабул қилинган “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасига асосан, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун пай усулига ва асосан оила (жамоа) пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир [1,69].

Бундан шу нарса англанадики, ширкат хўжалиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ фаолият шаклидир. Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) таркибида бўлган ерларнинг хусусийлаштирилиши мумкин бўлмаган. Лекин хўжалик ерида, белгиланган асосларда фермер хўжалиги ёки деҳқон хўжалиги ташкил қилиниши мумкин бўлган.

Қишлоқ хўжалик кооперативини (ширкат хўжалигини) бошқариш ўзини ўзи бошқариш, ошкоралик, кооператив (ширкат) фаолияти масалаларини ҳал этишда унинг аъзолари иштирокида амалга оширилган. Умумий йиғилиш қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) юқори бошқарув органи ҳисобланган. Умумий йиғилишда ширкат хўжалигининг раиси, унинг ўринбосарлари, бошқарув аппарати сайланган. Ширкат хўжалигининг мулки асосан етиштирган маҳсулотидан тушган фойда ҳисобига бўлган.

Ўз навбатида қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ичида ер эгалигининг оила пудрати шакли бўлган.

У.Хўжамуратов – Урганч давлат университети ўқитувчиси.

Оила пудрати – қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, муассасаси ҳамда ташкилоти тамонидан оилага вақтинча фойдаланишга оила пудрати шартномаси асосида берилган ер участкаларида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотни етиштиришда оила аъзоларининг бевосита иштирок этишига асосланган ишлаб чиқариш ва меҳнатни хўжалик ичида ташкил этиш шаклидир [2,40]. Оила пудратида маълум бир оиланинг бошлиғи ва хўжалик раҳбари ўртасида шартнома тузилган. Оила пудрати ерни ижара асосида камида 5 йиллик муддатга фойдаланишга олган. Шартнома муддати тугаса, қайтадан узайтирилиши мумкин бўлган.

Бундан шу нарса келиб чиқадики, ширкат хўжалиги буюртмачи вазифасини бажарган. Ширкат хўжалиги маҳсулотни қабул қилган ва унга ҳақ тўлаган. Оила пудрати эса маҳсулотни етиштирган ва буюртмачига топширган. Етиштирган маҳсулотга қараб ҳақ тўланган.

1998 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисидаги қонун қабул қилинганидан кейин жамоа хўжаликларини (колхозларни) ширкат хўжаликларига айлантириш бошланди. 1999 йилга келиб, 502 жамоа хўжалиги қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)га айлантирилган [3,].

Ширкат хўжалигида асосан мулк эгаллигининг оила пудрати асосий ўринда бўлган. 1999 йилда ғалла экиладиган майдонларнинг 95 фоизидан ортиғи, пахтазорларнинг эса 87 фоизидан кўпи оила пудрати шаклида бўлган. Уларга 54 минг гектарга яқин боғлар, 28 минг гектардан зиёд токзорлар узоқ муддатли ижарага берилган[3].

Жамоа хўжаликларини қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)га ўзгартирилиши ишчи кучини камайтирган. 1999 йилда жамоа хўжаликларини ширкатга айлантириш натижасида 158 минг нафар киши қишлоқ хўжалиги ишларидан озод бўлган [3].

1998 йилдан бошлаб ширкат хўжаликларини янги асосда ташкил этиш билан бирга зарар билан ишлаётган ширкатларни санацияга[4,138] тортиш бошланди. Ўзини ўнглай олмаган, иқтисодий жиҳатдан ночор хўжаликларни ҳукумат томонидан қўллаб-қувватлаш, оёққа турғизиш мақсадида санация тўғрисида қонун қабул қилинди. 1998 йили 104 хўжалик, 1999 йилда эса 150 тадан ортиқ хўжалик санацияга тортилган [3].

Мисол учун, Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги "Шарқ юлдузи" хўжалиги 1997 йили қарийб 7 миллион сўм зарар кўрган. Санация бўйича тегишли тадбирларни амалга ошириш натижасида хўжалик 1999 йили 20 миллион сўм фойда олган [5].

Санацияга тортилган хўжаликларнинг 120 таси давлатга ғалла сотиш режасини бажарди. Хўжаликларда харажатларни назорат қилишнинг чек тизимининг жорий этилиши натижасида ғаллачиликда 156 та хўжалик мавсумни 987,8 млн. сўм фойда билан яқунлаган.

Санация хўжаликларидаги мавжуд 5384 гектар боғларнинг 3672 гектари 382 млн. сўмга, 1669 гектар токзорларнинг 1469 гектари 143 млн. сўмга ижарага берилиб, мос равишда 95-90 фоиз ижара ҳақлари ундирилган.

2001 йилнинг яқунлари таҳлили бўйича 211 та хўжаликнинг 127 таси йилни фойда билан яқунлаган. Расмий ҳужжатларда келтирилишича, фойда кўриб ишлаган хўжаликларнинг 67 таси 10-25 фоиз, 60 таси 10 фоизгача рентабелликка эришган [6].

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани "Гулистон" хўжалиги 2000 йилда 140 млн.сўм зарар кўриб, 2001 йилдан санацияга тортилган. Хўжаликда ортиқча ишчи ходимларни қисқартириш, асосий воситаларни сотиш, ортиқча харажатларни чеклаш, маҳсулот ишлаб чиқаришда оила пудрати бўйича ишлаб, харажат ва даромадларни ҳар бир пудратчи бўйича олиб борилиши натижасида санациянинг биринчи йилидаёқ, яъни 2001 йил якуни билан 76,5 млн. сўм соф фойда кўришга эришган.

Ҳосилдорлик 2000 йилга нисбатан 2001 йили пахтачиликда 11 центнерга, ғаллачиликда 20 центнерга ошган. Хўжалик бўйича 4810 тонна ўрнига 6202 тонна ғалла ишлаб чиқарилган, давлатга 3870 тонна ғалла сотилиб, 2332 тонна ғалла хўжалик ихтиёрида қолган. Хўжалик ҳисобидаги ғалладан 923 тоннаси хўжалик аъзоларига тарқатилган [6].

Шу билан бирга, санация хўжаликларининг айримларида кўзланган натижаларга эришилмаган. Жумладан, жойлардаги қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари томонидан катта ташкилотчилик ишларининг амалга оширилишига қарамай, объектив сабаблар натижасида санация хўжаликларининг айримларида белгиланган режага эришмаган, 84 та санация хўжалиги 2001 йилни зарар билан яқунлаган. Шундан 45 таси сув танқис бўлган Қорақалпоғистон Республикасига, 34 таси Сирдарё вилоятига тўғри келган.

ТАРИХ

Самарқанд вилоятида санацияга тортилган 12 та хўжалиқдан 2 таси (ўртача 12 центнердан), Жиззахда 11 та хўжалиқдан 6 таси (ўртача 13 центнердан), Қашқадарёда 13 та хўжалиқдан 2 таси (ўртача 16 центнердан) давлатга пахта сотиш режасини бажарган.

Пахтачиликдан Самарқандда 48,6 млн.сўм, Жиззахда 9,7 млн. сўмлик зарар кўрилиши мазкур вилоятлар ва тегишли туманлар Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари томонидан бу масалага етарли эътибор берилмаганлиги оқибатидир. Худди шундай ҳолат дончиликда ҳам мавжуд бўлган. Мазкур соҳадан Қорақалпоғистон Республикаси санация хўжалиқлари 325,3 млн.сўм, Самарқанд вилояти хўжалиқлари 53,5 млн. сўм, Жиззах вилояти хўжалиқлари 37,3 млн.сўм зарар кўрган [7].

Фарғона вилояти Ёзёвон туманида 1999 йилдан “Шарқ юлдузи” ва У.Тошбоев номли ҳамда 2001 йилдан Алишер Навоий ва З.Ғаниев номли хўжалиқлар санацияга тортилган. 2001 йилда қишлоқ хўжалиқ корхоналарини санация қилиш бўйича ўтказилган ўқув семинарлар, берилган амалий ёрдамларга қарамасдан, 4 та хўжалиқ ҳамда “Шарқ юлдузи” хўжалиги 9,2 млн.сўм, У.Тошбоев номли хўжалиқ 14 млн. сўм, Алишер Навоий номли хўжалиқ 17,1 млн.сўм, З.Ғаниев номли хўжалиқ 54,8 млн. сўм зарар кўрган.

Бу пайтда санацияга тортилган Жиззах, Самарқанд ва бошқа вилоятлардаги хўжалиқларда ҳам аҳвол ана шундай яхши бўлмаган. Масалан, Жиззах вилояти Зомин туманидаги “Зомин” хўжалиги 2000 йил якуний кўрсаткичларига асосан 18 млн. сўм зарар кўрганлиги учун 2001 йилдан санацияга тортилган эди. Бироқ, 2001 йилда аҳвол бундан ҳам ёмонлашган, хўжалиқда жорий йилда 300 гектар майдонга чигит экилиб, режадаги 10 центнер ўрнига 2.4 центнер ҳосил олинган. Натижада, қилинган харажатлар қопланмай, пахтачиликдан 18.8 млн. сўм зарар кўрилган 300 га пахта майдони 12 та пудратчига берилган бўлиб, ўртача бир пудратчига 25 га ер тўғри келган.

Шунга қарамасдан, бирорта ҳам пудратчи шартномани бажармаган. Умуман, пахта етиштириш режаси ҳар гектарига 10 центнер қилиб белгиланиши, бу, олдиндан зарар кўрилишини режалаштирилганлигини кўрсатади. Чунки меъёрадаги агротехник тадбирларни бажариб даромад олиш учун жами 27,6 центнер ҳосил олинishi лозим бўлган.

Хўжалиқ бўйича 2001 йил ғалла ҳосили учун 1434 га майдонга ғалла экилган бўлиб, ундан олинган ғалла ҳосилдорликки 16,1 центнер ўрнига 7,2 центнерни ташкил этган. Давлатга 76 фоиз ғалла сотилган, ғаллачиликдан 47,3 млн. сўм зарар кўрилган. Ғаллачиликда 1434 га майдонда 26 та оила пудрати ташкил этилган бўлиб, бир пудратчига ўртача 55-60 га тўғри келган. Умуман, хўжалиқда оила пудрати ташкил этиш принциплари бузилган ва амалда оила пудрати юзаки ташкил этилган.

Бизнес-режада кўрсатилган 498 минг сўмлик ортиқча асосий воситаларнинг 30 минг сўми сотилган, холос. Барча соҳалар бўйича хўжалиқ йилни 74.6 млн. сўм зарар билан якунлаган [8].

Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги “Туркистон” хўжалиги 2001 йилни 60 млн. сўм зарар билан якунлаган. Хўжалиқда режадаги 42.5 центнер ўрнига 15,1 центнер ғалла етиштирилган бўлиб, ғаллачиликдан 17,7 млн.сўм зарар кўрилган. Пахтачиликда ҳам ҳосилдорлик 8.9 центнерни ташкил этиб, режа 38 фоизга бажарилган, холос. Бир гектарга 288 кг ўрнига 425 кг ёнилғи сарфланган, натижада пахтачиликдан 26,5 млн. сўм зарар кўрилган. Хўжалиқнинг кредиторлик қарзи йил бошига нисбатан 36,4 млн. сўмга ошган[9].

Кўпчилик хўжалиқларда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш ўзгармасдан қолган. Уларда бўлим ва бригадалар сақланиб қолган, ишга чиққан ёки чиқмаганликни қайд этиб борувчи табель ҳисоби юритилган. Чекларни пудратчилар эмас, балки молиявий ҳисоб-китоб маркази бухгалтерлари ёки бригада бошлиқлари тўлдирган.

Пудратчиларни пахта етиштириш режасини бажаришдан манфаатдор қилиш учун режани бажарганларга пахта ёғи, шрот ва шелуха маҳсулотлари берилиши жорий қилинган [10]. Бироқ, аксарият хўжалиқларда шартномаларни бажармаганлар жазосиз қолган. Оқибатда, пудратчиликнинг бош тамойили – пировард натижа учун моддий жавобгарлик ва рағбатлантириш шarti бажарилмасдан қолган. Жумладан, Самарқанд вилоятида пахта етиштириш бўйича шартнома мажбуриятларини бажарган пудратчиларга 2001 йилнинг 1 августигача берилиши керак бўлган пахта ёғи ва кунжаранинг атиги 50 фоизи берилган, холос [11].

Ширкат хўжалиқларида молия-ҳисоб марказларини ташкил этиш ва уларнинг иш фаолиятини юритиш амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар талабларига тўлалигича жавоб бермаган. Бу ҳолатни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жорий архивдан олинган кўплаб материаллар исботлади.

Қорақалпоғистон Республикасида санацияг тортилган 54 та хўжалиқдан 10 тасида, Сирдарё вилоятида 47 та хўжалиқдан 6 тасида, Жиззах вилоятида 11 та хўжалиқдан 3 тасида молия-ҳисоб марказлари ташкил этилмаган [12].

Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги “Боғолон” ширкат хўжалигида ҳар бир пудратчига алоҳида шахсий ҳисоб варақалар очилмаган. Ҳаражатлар лимитлари ишлаб чиқилиб, пудратчиларга етказилмаган. Самарқанд вилоятидаги “Халқобод” ширкат хўжалигида 2000 йилда пахта етиштириш бўйича тузилган пудрат шартномаларида пудратчи ва хўжалиқнинг ҳуқуқлари кўрсатилмаган. Худди шундай ҳолат П.Нурмонов номли хўжалиқда ҳам аниқланган.

Молия-ҳисоб марказларида дебиторлик қарзларни камайтириш борасида ҳам етарли даражада иш ташкил этилмаган. Вазирлик тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик қарзлари жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига йил бошига нисбатан 9578,2 минг сўмга камайган бўлса-да, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалиқларида бу кўрсаткич 640,5 млн. сўм, Жиззах вилоятида 536,8 млн. сўм, Самарқанд вилоятида 65,1 млн. сўм, Сурхондарё вилоятида 386 млн. сўмга кўпайган. Янгийўл тумани “Ниёзбоши” ширкат хўжалигининг дебиторлик қарзлари 2001 йилнинг 1 июнь ҳолатига 19,8, шундан тайёрлов ташкилотларидан 10,5 млн. сўмни ташкил этган [13].

Ширкат хўжалигида ишлар жамоа хоҳиш-ихтиёри билан эмас, балки юқоридан тайинланган раҳбарнинг яққа ҳокимлигида олиб борилиш ҳоллари ҳам учраб турган. Оқибатда деҳқон ўз тажрибасига суяниб, иқлим ва ер шароитига қараб эмас, балки буйруққа биноан ишлашга мажбур бўларди. Ишнинг илмий асосда ташкил этилмаганлиги, уруғчиликка эътиборнинг сустлиги сабабли унумдор ерлардан ҳам паст ҳосил олиш ҳоллари кузатилган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бундай камчиликларнинг сабаби, энг аввало раҳбар кадрлар масаласига бориб тақалади. 1998-2000 йиллар мобайнида Фарғона вилоятида 106 та жамоа ва ширкат хўжалигининг раҳбари алмаштирилганлиги, бу борада жиддий камчиликлар мавжудлиги ҳали-ҳамон соҳада маъмурий буйруқбозлик усуллари бартараф этилмаганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра, кўпчилик ширкат хўжалиги аъзолари ва раҳбарлари бу ўзгаришлар нима учун қилинаётганини, унинг мазмун-моҳиятини яхши билишмаган. Шу билан бирга, иқтисодий ночор хўжалиқ ҳар бирининг тепасида камида 20-30 нафардан бошқарув ходими бўлган. Табиийки, бу одамлар ўз мансабидан, ўз манфаатидан жудо бўлмаслик учун соҳадаги ислохотларга тўсқинлик қилишарди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги бўйича тузилган шартномалар ўрганиб чиқилиб, уларнинг аксарияти амал қилиш учун эмас, балки ҳисобот учун номига тузилган, деган хулосага келиш мумкин.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида 1999-2002 йилларда молиявий жиҳатдан зарар билан фаолият кўрсатган қишлоқ хўжалиги ширкатларини санациялаш жараёнлари бўлиб ўтди. Аммо санациялаш давридан сўнг ҳам ширкат хўжалиқларининг молиявий ҳолати тикланмаган. Натижада, норентабел ширкат хўжалиқлари аста-секинлик билан тугатила бошланди. Паст рентабелли ва зарар кўриб фаолият кўрсатган ширкат хўжалиқларини фермер хўжалиқларига айлантириш механизми ишлаб чиқилди ва амалиётда тўлиқ қўлланила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 майдаги 243-сонли “1999-2001 йилларда Хоразм вилоятида бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш дастури тўғрисида”ги қарорига асосан, Хоразм вилояти Боғот туманидаги Огаҳий, Урганч туманидаги Амир Темур, Шовот туманидаги Манақ, Мустақиллик, Юсуф Хамадоний, Ҳазорасп туманидаги Бобораҳим Машраб, Тупроққалъа, Б Нуруллаев каби жами 8 та жамоа ва ширкат хўжалиги бутунлай тугатилган [14].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 декабрдаги 516-сонли қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикасида 2 та, Бухоро вилоятида 10 та, Жиззах вилоятида 4 та, Қашқадарё вилоятида 14 та, Навоий вилоятида 3 та, Наманган вилоятида 3 та, Самарқанд вилоятида 4 та, Тошкент вилоятида 2 та, Фарғона вилоятида 6 та, Хоразм вилоятида 4 та, жами 52 та ширкат хўжалиги тугатилган [15].

2002 йилда Сирдарё ва Фарғона вилоятлари ҳокимларининг таклифига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сонли қарори билан Меҳнатобод, Мирзаобод ва Ёзёвон туманларининг жами 83 та ширкат ва хўжалиқ корхонаси тугатилган [16]. Тугатилган ширкат хўжалиқлари негизда 3455 та фермер хўжалиги ташкил этилиб, уларга 135300 гектар ер майдони ажратилган [17,20].

ТАРИХ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-3342-сонли Фармони қабул қилинди. Мазкур фармон асосида ширкат хўжалиklари аста-секинлик билан тугатила бошланди. Ўзбекистонда 2007 йилга келиб ширкат хўжалиklarининг тугатиш ишлари ниҳоясига етди. Тугатилган жамоа ва ширкат хўжалиklари ўрнида 2007 йилда ҳаммаси бўлиб 217095 та фермер хўжалиги фаолият олиб борган[18].

Хулоса қилиб айтганда, ширкат хўжалиklarининг ривожланишига тўсиқ бўлган асосий сабаблардан бири, ички хўжалик шартномаларини тузишдаги хато ва камчиликлар ҳисобланган. Томонларнинг шартномаларда кўзда тутилган мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги, жумладан, шартнома бузилган тақдирда жарима тўлаши аниқ кўрсатилмаган, кўпчилик ширкат хўжалиklarида ширкат хўжалиги ва оила ўртасида шартномалар номигагина тузилган. Оилавий пудратчиларнинг кўплари ўз хўжалиklarини қанча муддатга олганини ҳам билмаган. Уларда ҳеч қандай ҳужжат бўлмаган. Қолаверса, кўпчилик ширкат хўжалиklари бошқарув, ширкат аъзоларининг хоҳиш-ихтиёри билан эмас, балки юқоридан тайинланган раҳбарнинг яққа ҳокимлигида олиб борилиш ҳоллари бўлган. Шунинг учун ҳам санацияга тортилган ширкат хўжалиklarида иқтисодий аҳвол ўнганмаган, орадан кўп ўтмасдан, йирик-йирик хўжалиklar бутунлай тугатилган.

References:

1. O'zbekiston Respublikasi Qonuni: Qishloq xo'jaligi kooperativi (shirkat xo'jaligi) to'g'risida // Tadbirkorlikka oid qonun hujjatlar to'plami. -5-tom. Qishloq xo'jaligiga oid qonun hujjatlari. – T., 2005.
2. O'zbekiston Respublikasi Yer kodeksi: //Tadbirkorlikka oid qonun hujjatlar to'plami. 5 tom. Qishloq xo'jaligiga oid qonun hujjatlari. – T., 2005.
3. Xalq so'zi, №148. -1999 yil 28 iyul.
4. Sanatsiya- yirik korxonalarini sinishdan saqlash maqsadida davlat xisobidan amalga oshiriladigan yordam, chora-tadbir. Qarang: O'lmasov A., To'xliiev N. Bozor iqtisodiyoti. -T.: "Qomuslar" Bosh tahririyati, 1991.
5. Xalq so'zi. -1999 yil 18 dekabr. -№ 249
6. O'zbekiston Respublikasi Qishloq va suv xo'jaligi vazirligi joriy arxivi, №11/2- bayonnomasi, 1-varaq (2001yil materiallari).
7. O'zR QSXV joriy arxivi, O'zR QSXV hay'at qarorlarining 2001 yildagi №11/2-bayonnomasi, 2-varaq.
8. O'zR QSXV idoraviy arxivi, O'zR QSXV hay'at qarorlarining 2001 yildagi №11/2- bayonnomasi, 6 varaq.
9. O'zR QSXV joriy arxivi, O'zR QSXV hay'at qarorlarining 2001 yildagi №11/2- bayonnomasi, 8- varaq.
10. O'zR QSXV joriy arxivi, O'zR QSXV hay'at qarorlarining 2003 yildagi 212-bayonnomasi, 5-varaq
11. Xalq so'zi, №188. - 2001yil 12 sentyabr.
12. O'zR QSXV joriy arxivi, O'zR QSXV hay'at qarorlarining 2001 yildagi №6/3-bayonnomasi, 23-varaq
13. O'zR QSXV joriy arxivi, O'zR QSXV hay'at qarorlarining 2001 yildagi №6/3-bayonnomasi, 24-varaq
14. LEX.UZ: O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori: “1999-2001 yillarda Xorazm viloyatida bozor islohotlarini chuqurlashtirish va ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishni jadallashtirish dasturi to'g'risida”. -1999 yil 13 may .
15. LEX.UZ: O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori: “2000 yilda qishloq xo'jaligi korxonalarini sanatsiya qilish yakunlari va 2001 yilda uni tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida”. -2000 yil 29 dekabr.
16. LEX.UZ: O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori: “ Qishloq xo'jaligi korxonalarini fermer xo'jaliklariga aylantirish chora-tadbirlari to'g'risida”. -2002 yil 5 yanvar.
17. Mamajonov S. O'zbekistonda agrar islohotlarni amalga oshirishda fermer xo'jaliklarining o'ri (1991-2004 yillar). Tarix fanlari nom.ilm.daraj.olish uchun yozilgan diss avtoref. –T., 2010.
18. O'zbekiston fermer, dehqon xo'jaliklari va tomorqa yer egalari kengashi joriy arxivi. -2007 yil hujjatlari yig'ma jildi, 11-varaq.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)